



20 20 у. « 30 » сентябрь

№ Қ-495

« » 20 г.

**Термиз тумани “Сурхон Халқобод” массиви
“Халқобод” маҳалласи ҳудудидан “Quality
Fruitful Fruist” МЧЖга “Иссиқхона” қуриш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/534 -сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 01 июлдаги 01-08/279-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/534-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Сурхон Халқобод” массиви “Халқобод” маҳалласи ҳудудидан “Quality Fruitful Fruist” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 244 ва 247-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 47,6 балл бонитетли жами 11,0 гектар, шундан 10,4 гектар суғориладиган экин ер, 0,3 гектар ариқ ва зовур, 0,2 гектар йўллар ва 0,1 гектар бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари “Иссиқхона биноси”ни қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Quality Fruitful Fruist” МЧЖ бошлиғи Ш.Шариповга:
ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;
етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;
мақсадсиз фойдаланилганда ёки 1 йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов